# Тадбиркорлик фаолиятида ташқи иқтисодий фаолият



# Норматив ҳужжатлар

- **Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Қонун (2000 йил 26 май)**
- **Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида (2018 йил 29 июнь, ПҚ-3818-сон)**
- **Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ (ВМҚ 199, 21.07.2014 й)**
- **Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида НИЗОМ (ВМҚ 416 сон 2003 йил 30 сентябрь,)**
- **ПОРЯДОК ПОСТАНОВКИ НА УЧЕТ ВНЕШНЕТОРГОВЫХ КОНТРАКТОВ В ТАМОЖЕННЫХ ОРГАНАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (от 15 октября 1999 года. Регистрационный № 832)**
- **ПФ № 1871 ТОВАРЛАР (ИШЛАР, ХИЗМАТЛАР) ЭКСПОРТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

- Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида (ПҚ-3351 03.11.2017)
- http://www.cisg.ru/tekst-venskoj-konvencii-polnostyu.php
- http://cc-customs.ru/poleznaya-informaciya/inkoterms-udobnaya-tablitsa/

# Ташқи иқтисодий фаолият

- Ташқи иқтисодий фаолият деганда Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

# Йўналишлари

- халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик;
- ташқи савдо фаолияти;
- чет эл инвестицияларини жалб қилиш;
- Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти

# Субъектлари

- Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар
- Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир

# Мажбуриятлар

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, ветеринария-санитария, фитосанитария, экология стандартлари, талаблари, қоидалари ва нормаларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши шарт

# Хорижий қонунчиликнинг қўлланилиши

- Хорижий мамлакатлар қонунчилиги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлганида қўлланилмайди
- Мазкур ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари қўлланилади.

- **товарлар импорти** — товарларни уларни қайтариб олиб чиқиш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириш;
- **ишлар (хизматлар) импорти** — хорижий давлатнинг юридик ва жисмоний шахси томонидан Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектига ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш), улар бажарилиши (кўрсатилиши) жойидан қатъи назар;
- **импорт контракти** — товарлар, ишлар ва хизматлар импортига импорт қилувчи билан Ўзбекистон Республикасининг норезиденти ўртасида тузилган контракт

- **товарлар экспорти** — агар қонунчиликда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, товарларни уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиш
- **ишлар (хизматлар) экспорти** — Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахси томонидан хорижий давлатнинг юридик ёки жисмоний шахсига ишлар бажарилиши (хизматлар кўрсатилиши), улар бажарилиши (кўрсатилиши) жойидан қатъи назар
- **экспорт контракти** — товарлар, ишлар ва хизматлар экспортига Ўзбекистон Республикаси резиденти билан норезиденти ўртасида тузилган хўжалик шартномаси, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ экспорт контрактларига тенглаштирилган контрактлар (бартер контрактларидан ташқари)

# Ташқи савдо контрактининг тузилиши

- Преамбула (Муқаддима)
- Шартнома предмети
- Еткaзиб беришнинг асосий шартлари (Инкотермс)
- Товарларни, ишларни ва хизматларни этказиб бериш муддати
- Нарх ва шартноманинг умумий миқдори
- Тўлов шартлари
- Товарларнинг келиб чиқиши, иш жойлари ва хизматлар
- Томонларнинг жавобгарлиги
- Томонларнинг реквизитлари

# Муқаддима.

- Контрактнинг кириш қисмида контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактни тузган шахсларнинг лавозими, фамилияси ва исми. Агар шахс контрактни ишончнома асосида тузса, бу контрактнинг муқаддимасида кўрсатилади

# Контрактнинг мавзуси

- Ушбу бўлимда товарлар, ишлар ва хизматларнинг номи, шунингдек битишув тури кўрсатилади
- стандарт бўйича: умумий қабул қилинган халқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи ГОСТлар;
- спецификация бўйича: техник параметрларни кўрсатиш;
- асосий моддалар мавжудлиги бўйича: кўрсаткич-минимум, аралашмалар бўйича — кўрсаткич-максимум берилади;
- товарнинг хусусияти бўйича: тип, модель, марка, нав, тур.
- Машиналар, асбоб-ускуналар ва технологик линияларни етказиб бериш учун контрактда уларнинг янгилиги ёки улардан фойдаланганлиги ҳолати кўрсатилади (фойдаланилганлари учун — эскириш фоизи ёки фойдаланиш муддати)

# Шартнома тили

- Ташқи савдо контрактининг матни **давлат тилида** ёки **рус тилида** баён қилиниши керак. Агар контракт матни бошқа тилда тузилган бўлса, контракт давлат тилига ёки рус тилига **таржима қилиниши** ва белгиланган тартибда тасдиқланиши керак.

Контракт шартларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан қайд этилиши керак ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда тизимга киритилади.

# «Инкотермс» халқаро қоидалари

- Етказиб беришнинг базис шартлари. Товарни етказиб бериш бўйича сотувчи ва харидорнинг қуйидаги асосий мажбуриятлари аниқланади



- товарни етказиб бериш бўйича контрактни тузувчи томонларнинг мажбуриятлари ва харажатларни тақсимлаш;
- товарни харидорга бериш тартиби ва жойи;
- товарни олиб кириш-олиб чиқиш бўйича расмиятчиликларни бажариш;
- товарни суғурталаш;
- товарнинг тасодифий йўқолиши ёки шикастланиши таваккалчилигининг сотувчидан харидорга ўтиши.

- Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати. Контрактда товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати ёки санаси кўрсатилади

- Контрактнинг нархи ва умумий суммаси. Товарнинг нархини белгилашда контрактда товарнинг ўлчов бирлиги, товар бирлиги нархи ва контрактнинг умумий суммаси кўрсатилади.
- Контрактнинг умумий суммаси сотилаётган товар, ишлар ва хизматларнинг қийматини англатади. Ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга контрактни тузиш пайтида контракт суммасини белгилаш имкони бўлмаган ўзига хос контрактлар тузилган тақдирда контрактнинг умумий суммаси кўрсатилмайди

- Тўлов шартлари. Контрактдаги тўлов шартларида валюта, тўлов шакли ва муддати белгиланади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, у ҳолда валютани қайта ҳисоблаб чиқиш курси ва ушбу курсни аниқлаш манбаи кўрсатилади.
- Ташқи савдо контрактларида тўлов валютаси хорижий валютада кўрсатилади (қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно)

- Товарнинг келиб чиқиши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи. Контрактда етказиб берилаётган товар келиб чиққан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи (мамлакати) кўрсатилади

# Жавобгарлик

- Томонларнинг жавобгарлиги.

Қабул қилинган мажбуриятларнинг томонлар томонидан бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида контрактда, қоидага кўра, контракт мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонлар тўлайдиган пеня ва/ёки жарима шаклидаги жазо назарда тутилади

# Томонларнинг реквизитлари

- Контракт матни томонларнинг реквизитларини кўрсатиш билан тугалланади. Почта реквизитлари, манзил, банк реквизитлари ва юклаб жўнатиш реквизитлари кўрсатилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг имзолари контрактда муҳр билан тасдиқланади

# ТСОЯЭАТ

- Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тизими хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган ташқи савдо контрактлари бажарилиши устидан зарур назоратни таъминлаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар, божхона ва солиқ органлари, Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида **Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими** орқали ахборот айирбошлаш мақсадида жорий этилади.

# Экспорт

- Микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш (рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлари экспорти бундан мустасно) <u>давлат божхона хизмати органлари томонидан божхона постларида бевосита товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида амалга оширилади</u>

- Қолган хўжалик юритувчи субъектларнинг (шу жумладан рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарларини экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг) контрактларини ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валюта назорати бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича амалга оширилади

# Муддатлар назорати

- Чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар, шунингдек, «эркин муомала учун чиқариш» режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштиришни, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишни 30 банк кунидан ортиқ таъминламаган импорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун — 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:
- белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 10 фоизига тенг миқдорда;

- белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 20 фоизига тенг миқдорда қўшимча;
- белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда — тушмаган валюта маблағлари ёки «эркин муомала учун чиқариш» режимида расмийлаштирилмаган товарлар (бажарилмаган ишлар, кўрсатилмаган хизматлар) суммасининг 70 фоизига тенг миқдорда республика бюджети даромадига **қўшимча жарима тўлайдилар.**

# Муддатлар назорати

- Товарларни республикага олиб кириш ва «эркин муомала учун чиқариш» режимига расмийлаштириш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ёки импорт контрактлари бўйича улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати тўлов амалга оширилган кундан бошлаб 180 календарь кундан ортиқ бўлмаслиги керак

- Экспорт контрактлари бўйича тушум тушиши ёки қайтариб олиб кириш муддати:
- пахта толасини экспорт қилувчиларга 90 кун
- муассислар томонидан чет элдаги корхоналарнинг ва ССП савдо-инвестиция уйлари манзилига олиб чиқиладиган товарларнинг амалда экспорт қилинган кунидан бошлаб 180 кундан
- белгиланган тартибда экспорт контракти суғуртаси бўйича полис мавжуд бўлганда олдиндан ҳақ тўламасдан, аккредитив очмасдан ёки банк кафолатисиз хорижий валютага товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини амалга оширувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 180 кундан
- бошқа экспорт қилувчилар учун — товарлар, ишлар ва хизматлар амалда экспорт қилинган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак

# 1 июнидан бошлаб қуйидаги ҳуқуқлар берилсин

- а) ўзлари ишлаб чиқарган товарларни экспорт қилиш (янги мева- сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз экинларидан ва 1871 дагилардан ташқари) чет эл валютасида олдиндан тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт шартномаларини сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш, бунда қуйидаги шартларга риоя қилинсин:
- шартнома миқдори 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаслиги керак;
- товарлар экспорт қилинган кундан бошлаб, 90 кун ичида мажбурий валюта тушумининг келиб тушиши таъминланиши лозим;
- белгилансинки, ўзлари ишлаб чиқарган товарларнинг кейинги экспорти мазкур қўшимча банднинг шартларига мувофиқ экспортчи ташкилотнинг мазкур қўшимча бандда кўрсатилган шартларда аввалги дебиторлик қарзи бўлмаган тақдирда амалга оширилади;

# Инкотермс
# *International commercial terms*

- **EXW** Ex Works
- "Ex Works / Франко завод" означает, что продавец осуществляет поставку, когда он предоставляет товар в распоряжение покупателя **в своих помещениях** или **в ином согласованном месте** (т.е. на предприятии, складе и т.д.). Продавцу необязательно осуществлять погрузку товара на какое-либо транспортное средство, он также не обязан выполнять формальности, необходимые для вывоза, если таковые применяются.

# **FCA** Free Carrier / Франко перевозчик

- "**Free Carrier** / Франко перевозчик" означает,
- что продавец осуществляет передачу товара **перевозчику или иному лицу**, номинированному покупателем, **в своих помещениях или в ином обусловленном месте**. Сторонам настоятельно рекомендуется наиболее чётко определить пункт в поименованном месте поставки, так как риск переходит на покупателя в этом пункте.

# CPT Carriage Paid to / Перевозка оплачена до»

- "**Carriage Paid to** / Перевозка оплачена до" означает, что продавец **передаёт товар перевозчику или иному лицу**, номинированному продавцом, в согласованном месте (если такое место согласовано сторонами) и что продавец обязан заключить договор перевозки и нести расходы по перевозке, необходимые для доставки товара в согласованное место назначения.

# **CIP** Carriage and Insurance Paid to / Перевозка и страхование оплачены до

- "Carriage and Insurance Paid to / Перевозка и страхование оплачены до" означает, что продавец передаёт товар перевозчику или иному лицу, номинированному продавцом, **в согласованном месте** (если такое место согласовано сторонами) и что продавец обязан заключить договор перевозки и нести расходы по перевозке, необходимые для доставки товара в согласованное место назначения. Продавец также заключает договор страхования, покрывающий риск утраты или повреждения товара во время перевозки.

# **DAT** Delivered at Terminal / Поставка на терминале

- означает, что **продавец осуществляет поставку**, когда товар, разгруженный с прибывшего транспортного средства, предоставлен в распоряжение покупателя **в согласованном терминале** в поименованном порту или в месте назначения.
- "Терминал" включает любое место, закрытое или нет, такое как причал, склад, контейнерный двор или автомобильный, железнодорожный или авиа карго терминал. **Продавец несёт все риски, связанные с доставкой товара** и его разгрузкой на терминале в поименованном порту или в месте назначения.

# **DAP** Delivered at Place / Поставка в месте назначения

- означает, что продавец осуществляет поставку, когда товар предоставлен в распоряжение покупателя **на прибывшем транспортном средстве**, готовым к разгрузке, **в согласованном месте назначения**.
- Продавец несёт все риски, **связанные с доставкой товара** в поименованное место.

# **DDP** Delivered Duty Paid / Поставка с оплатой пошлин

- означает, что продавец осуществляет поставку, когда в распоряжение покупателя предоставлен товар, **очищенный от таможенных пошлин, необходимых для ввоза**, на прибывшем транспортном средстве, **готовым для разгрузки в поименованном месте назначения**.
- Продавец несёт все расходы и риски, связанные с доставкой товара в место назначения, и <u>обязан выполнить таможенные формальности</u>, необходимые **не только для вывоза, но и для ввоза**, уплатить любые сборы, взимаемые при вывозе и ввозе, и выполнить все таможенные формальности.

# Правила для морского и внутреннего водного транспорта

- **FAS** Free Alongside Ship / Свободно вдоль борта судна
- **FOB** Free on Board / Свободно на борту
- **CFR** Cost and Freight / Стоимость и фрахт
- **CIF** Cost Insurance and Freight / Стоимость, страхование и фрахт

# Инкотермс сув транспортида

- **FAS** **Free Alongside Ship** - продавец считается выполнившим своё обязательство по поставке, когда товар размещён вдоль борта номинированного покупателем судна (т.е. на причале или на барже) в согласованном порту отгрузки
- **FOB** **Free on Board** - продавец поставляет товар на борт судна, номинированного покупателем, в поименованном порту отгрузки, или обеспечивает предоставление поставленного таким образом товара

- **CFR** **Cost and Freight** - продавец поставляет товар на борт судна или предоставляет поставленный таким образом товар. Риск утраты или повреждения товара переходит, когда товар находится на борту судна. Продавец обязан заключить договор и оплачивать все расходы и фрахт, необходимые для доставки товара до поименованного порта назначения
- **CIF** **Cost Insurance and Freight** - продавец также заключает договор страхования, покрывающий риск утраты или повреждения товара во время перевозки

# Жавобгарлик

- олиб кирилаётган товарлар божхона расмийлаштирилувидан ўтказилишида товар божхона қийматининг экспорт қилувчи мамлакатида қайд этилган товар қийматига нисбатан асоссиз оширилиши мақсадида ишончсиз маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар божхона органларига тақдим этилиши;
- контрактлар бўйича контрагентлар ҳисобланмаган етказиб берувчилардан товарларнинг тушиши;
- товарлар экспорти олдиндан ҳақ тўланмасдан, аккредитив очилмасдан, харидорнинг банки кафолати олинмасдан ёки сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан экспорт контрактларини суғурта қилиш полиси расмийлаштирилмасдан амалга оширилиши;

- Ҳудудий божхона бошқармалари ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 10-кунигача хўжалик юритувчи субъект рўйхатдан ўтказилган жой бўйича солиқ хизмати ҳудудий бошқармаларининг валюта ва экспорт-импорт операциялари устидан назорат қилиш бўлимлари (шўъбалари)га ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар ва улар бўйича кўрилган чоралар ҳақида ахборот тақдим этадилар

- Давлат солиқ хизмати органлари ТСОЯЭАТдан ва давлат божхона хизмати органларидан олинган ахборотни таҳлил қилади ҳамда пул маблағларини чет элга асоссиз равишда ўтказиш аломатлари аниқланган тақдирда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг минтақавий бўлинмаларига ушбу контрактни тузган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текширишни экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини ва солиқ ҳақидаги қонунларга риоя қилинишини текшириш учун навбатдаги йил чораги жадвалига киритиш тўғрисида буюртманомалар беради